

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Зокир Тоирович Рустамов,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи,
zokir.toirovich@mail.ru

1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР

For citation: Zokir T.Rustamov, SOCIO-CULTURAL REFORMS CARRIED OUT IN UZBEKISTAN, TURKEY AND IRAN DURING 1920-1930. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.199-204



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-26>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ватанимиз тарихидаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнлар умумжаҳон миқёсидаги шундай жараёнлар билан таққосланган ҳолда ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилиб, асосли равишда баён этилган.

Калит сўзлар: маданий жараёнлар, маданий инқилоб, ислохотлар, модернизация, сепаратизм, урф-одатлар, шариат, ғоялар.

Зокир Тоирович Рустамов,
Зав. отдела Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,
zokir.toirovich@mail.ru

СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ РЕФОРМЫ, ПРОВЕДЕННЫЕ В УЗБЕКИСТАНЕ, ТУРЦИИ И ИРАНЕ В 1920-1930 ГГ.

АННОТАЦИЯ

В этой статье исследуются и обосновываются важные социально-культурные процессы в истории нашей страны, сравнивая их с аналогичными процессами в общемировом масштабе.

Ключевые слова: культурные процессы, культурная революция, реформы, модернизация, сепаратизм, обычаи, шариат, идеи.

Zokir T.Rustamov,
Head of the department of the Institute
of Forecasting and Macroeconomic Research
zokir.toirovich@mail.ru

SOCIO-CULTURAL REFORMS CARRIED OUT IN UZBEKISTAN, TURKEY AND IRAN DURING 1920-1930

ABSTRACT

This article explores and substantiates important socio-cultural processes in the history of our country, comparing them with similar processes on a worldwide scale.

Index Terms cultural processes, cultural revolution, reforms, modernization, separatism, customs, sharia, ideas.

1. Долзарблиги:

Ватанимиз тарихидаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларни умумжаҳон миқёсидаги шундай жараёнлар билан таққослаш, ўхшаш ва фарқли томонларини ажрата олиш тарихни ўрганишнинг муҳим усулларида ҳисобланади. XX асрнинг бошларида дини, турмуш тарзи ва ҳолатига кўра бизга яқин бўлган мамлакатларда кечган модернизация жараёнларини Ўзбекистондаги шундай жараёнлар билан таққослаш уларнинг асл моҳиятини тушуниш жуда муҳимдир. Айниқса, бугун, дунё сиёсати янги босқичга кирган, баъзиларнинг фикрича, сепаратизм (айрмачилик) ва глобализм каби қарама-қарши йўналишдаги тенденциялар таъсири остида миллий давлатчилик анъаналари дарз кетаётган, бир қисм кишилар “глобаллашув”ни “ғарблашув”, деб тушунаётган бир пайтда, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнини шундай тарихий жараёнлар билан таққослаш орқали уларнинг моҳиятини очиб бериш ҳалқимизнинг ўзлигини янада тегинглаш учун янги аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

XX асрнинг энг муҳим ҳодисаларидан бири мустамлака тизимининг ағдарилиши бўлди. Буюк давлатчиликнинг асосий белгиси сифатида европалар томонидан XV асрдан бошлаб бунёд этилган мустамлака империялари қулай бошлади. XX аср бошларида дунёда, айниқса, Осиё мамлакатларида авж олган инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоби, 1907-1908 йиллардаги Ёш турклар инқилоби, 1905-1909 йиллардаги Ҳиндистон инқилоби, Хитойдаги Синхай инқилоби каби жараёнлар Биринчи жаҳон урушидан кейин кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди [1]. Улар дунё сиёсатининг янги муҳим омилига айлана борди. Айни пайтда, Европа давлатлари ўз сиёсий таъсирини сақлаб қолиш, баъзан эса янги усуллар ва воситалар орқали янада кучайтириш учун ҳаракат қилдилар. Сиёсий жиҳатдан миллий-озодлик ҳаракати Европадаги метрополия-давлатларига қарши қаратилганига қарамай, бу ҳаракатнинг ўзи Шарқ жамиятига Европа цивилизацияси ғоялари кўрсатган таъсирнинг натижаси бўлди. Миллий-озодлик ҳаракатининг шиорлари бу жараёнларга етакчилик қилган “Ёш афғонлар”, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” фаолияти ҳам ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, бу ҳаракатлар лидерлари мустамлакачиликдан олдинги анъанавий жамият тартибларини тиклаш мақсадини ўз олдига қўймайди. Улар ривожланган саноат тизими, аҳоли умумий сайлов, таълим олиш ва замонавий медицина хизмати билан таъминланиш ҳуқуқларига эга бўлган замонавий, илғор миллий давлат тузиш учун интилдилар. Шу сабабли асосий вазифа қолоқликни енгиб ўтиш ва ўз мамлакатларини модернизация қилиш эканлигини ҳаракат етакчилари англаб етдилар. Аслида, модернизациялаш ҳаракатининг ғалабаси умумий қадриятларга асосланган ягона жаҳон цивилизацияси шаклланиши йўлидаги муҳим қадам бўлди.

3. Тадқиқот натижалари:

XX асрнинг 20-30-йилларида Шарқнинг Туркия, Эрон каби бир қатор мамлакатларида амалга оширилган модернизация жараёнлари билан худди шу даврда Ўзбекистонда большевиклар томонидан ўтказилган “маданий инқилоб”лар ўртасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Аммо мазкур модернизация жараёнлари Туркия ва Эронда буржуа ислохотчилиги, Ўзбекистонда эса большевизм ғоялари билан боғланган бўлиб, улар модернизация жараёнининг пировард мақсадларини белгилаб берди ва турли натижаларга олиб келган муҳим омилга айланди.

Албатта, мамлакатларда XX аср бошларида юз берган инқилобий жараёнлар чет эл ва Ўзбекистон тарихшунослигида анча жиддий ўрганилган. Аммо бу жараёнларнинг қиёсий таҳлили, ўхшаш ва мавжуд мафкуралар билан боғлиқ фарқли томонлари тарихий адабиётларда етарлича акс эттирилмаган. Бунинг сабабларидан бири Ўзбекистонда большевиклар етакчилигида ўтказилган “маданий инқилоб”ни коммунистик мафкура “социалистик ўзгаришлар”, Туркия ва Эронда амалга оширилган шундай жараёнларни эса “буржуа ислохотлари” сифатида баҳолашган эди. Ҳали XX аср бошларида ҳам ўрта асрчилик қолдиги бўлган Усмонийлар империясини, султон ҳокимияти ва табақавий тизимни сақлаб қолган Туркия учун Европа, европаликлар жамияти, сўзсиз, замонавий жамиятнинг идеали бўлиб туюларди. Туркия инқилоби чет эл, биринчи навбатда, Европа капиталининг ҳукумронлигига ва султоннинг феодал тузумига қарши қаратилган ҳамда янги, мустақил Туркия давлатини қуриш учун амалга оширилган бўлса-да, у ўрнатган қадриятлар тизими Ғарб цивилизацияси қадриятлари билан ҳамоханг эди [2]. Шу сабабли Туркия ислохотлари, хусусан, маданият ва турмуш, дин соҳасидаги ислохотлар европалашув йўналишида эканлигини кўрамиз. Айни пайтда, модернизация -бу жамиятни замон талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштириш бўлиб, Туркия Республикасида кечган европалаштириш жараёнларини шу нуқтаи назардан модернизация деб аташ мумкин.

Энди, Ўзбекистонда большевиклар томонидан амалга оширилган “маданий инқилоб” деб аталган жараёнларга келсак, биринчидан, Туркиядан фарқли равишда, Туркистонда XX аср бошларидаги миллий-озодлик ҳаракати муваффақият қозонмади, мустақил давлатнинг тузилишига олиб келмади. Иккинчидан, Европани идеал қилиб олган Туркиядан фарқли равишда, большевикларнинг идеали бўлган коммунистик келажак реал эмас, мавҳум эди. Бу мавҳумлик большевиклар илгари сурган янада мавҳум, аммо ўта жозибадор, кишиларнинг ақл идроки, зеҳнига эмас, кўпроқ ҳиссиётига мўлжалланган шиорлар билан қўшилиб, аҳолининг катта қисмини ўзига жалб қилди. Аммо идеаллар ва уларда ифодаланган қадриятларнинг турлича бўлишига қарамасдан, Туркия ва Ўзбекистондаги модернизация жараёнларининг ўхшаш томонлари анчагина эди.

Ислохотларнинг биринчи тамойили-лаицизм, яъни дунёвийлик динни давлатдан ажратишда ўз аксини топди. Аслида, XX аср бошларида ислом мамлакатларида амалга оширилган ислохотларнинг энг мураккаб жиҳатларидан бири ислохотчиларнинг ислом динига бўлган муносабатида эди. Уларнинг назарида, ислом ақидапарастлиги, унинг баҳслар ва шубҳалар учун ёпиқлиги ислом мамлакатларидаги ижтимоий ва сиёсий ҳаётга, бу ердаги халқларнинг менталитетига ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Дунёнинг илғор қисмидаги интеллектуал интеграциялашув, шунингдек, янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар, кишиларнинг янги, муносиб ҳаёт қуриши учун амалга ошираётган инқилобий интилишлари ислом дунёсини четлаб ўтди. Бу даврда Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган янгича дунёқараш, демократик ғоялар, инсоннинг тадбиркорлиги, ташаббускорлигига очилган кенг имкониятларнинг ислом мамлакатларида қарор топиши узоқ ва оғир жараён бўлди [3].

XX асрнинг 20-30-йилларида Туркия, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг умумий томонларидан биринчиси - ислом динининг давлатни бошқариши, ижтимоий ва иқтисодий, айниқса, маданий соҳалардаги таъсирини пасайтириш учун ҳаракат бўлди.

1924 йил 20 апрелда қабул қилинган Туркия Республикасининг Биринчи конституциясида Ислом давлат дини деб аталган эди. 1928 йил 9 апрелда бу банд Конституциядан олиб ташланди. Айнан мусулмон менталитети, ундаги ақидапарастлик ислохотлар учун асосий тўсиқ эканлигини М.Камол яхши тушунарди. Шу сабабли у ислохотларни диндан бошлади. 1924 йилда Буюк миллат мажлиси халифаликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу билан дунё мусулмонларини бирлаштириб турувчи тизим йўқ қилинди, дарвешлик орденлари ва дарвешхоналар тарқатиб юборилди. Дин ва вақф ишлари бўйича вазирлик тугатилди, вақф мулклари национализация қилинди. Мадрасалар ёпилиб, барча мактаблар Маориф вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

Мустафо Камол Отатуркдан ўрناق олган шоҳ Ризо Паҳлавий Эронда 1928 йилдан европача либос жорий қилди, феодал унвон ва мурожаат шакиллари бекор қилди, насаб жорий қилди. 1935 йилдан мамлакатнинг номи ўзгартирилди “Форс” ўрнига “Эрон” деб аталадиган бўлди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисида қонун қабул қилинди, улар мактабларда, олий ўқув юртларида ўқиш, давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1935 йили чодра (паранжи) ўраб юришни бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Шоҳ аста-секин ислом динига нисбатан ҳам муносабатини ўзгартирди: шариат судларининг ҳуқуқлари қисқартирилди, европача намунада фуқоролик, жиноят ва тижорат кодекслари қабул қилинди. Таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. 1927-1934 йиллардаги ислохотлар даврида бепул мажбурий бошланғич таълим ҳамда пуллик ўрта ва олий таълим тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Барча ўқув юртлари, давлатга қарашли ёки хусусий бўлишидан қатъи назар, дин назоратидан чиқарилиб, давлат тасарруфига ўтказилди. Янги мактаблар қурилиб, ўқувчилар сони бир неча баробарга ошди. Олий ўқув юртларининг бутун бошли тизими яратилди, жумладан, 1934 йили Техрон университети очилди. Юзлаб эронлик ёшлар ҳар йили чет элларга, дунёнинг энг яхши университетларига ўқишга юборилди [4].

Россия империясида ҳокимиятга келган большевиклар томонидан 1918 йили 2 февраль куни Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида декрет қабул қилинди. Давлат ҳокимиятининг дунёвий характери ўрнатилди ҳамда виждон ва эътиқод эркинлиги эълон қилинди. Диний ташкилотлар барча мулкларидан ва юридик шахс ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ушбу декрет асосида Ўзбекистонда ҳам дунёвий таълим, суд тизими шакллантирилди. Бу жараён шиддат билан, тажовузкорона олиб борилди, виждон эркинлиги принципига амал қилинмади, масжидлар тўлиқ ёпилиб, кишиларнинг диний эркинлиги топталди. Декрет совет давлатининг бутун 70 йиллик тарихи давомида атеистик ташвиқот ва даҳрийлик сиёсати асос солди. Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш, янги типдаги совет мактаблари тизimini яратиш, “халқ зиёлилари”ни тайёрлаш, большевиклар назорати остида ва марксча-ленинча мафкура асосида амалга оширилди. Аслида, “маданий инқилоб”нинг бош мақсади бутун маънавий ҳаётни марксистик мафкурага бўйсундиришдан иборат бўлди.

Бу йўлда амалга оширилган дастлабки тадбирлардан бири саводсизликни тугатиш эди. Ўзбекистонда умумий мажбурий таълимни жорий қилиш учун мактаб бинолари, малакали кадрлар етишмаслигидан ташқари, диний ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ тўсиқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу Туркия ва Эрондаги ҳолат билан жуда ўхшаш эди. Асрлар давомида ўзбек, турк ва форс аёлларининг ҳаёти шариат қоидалари ва улардан келиб чиқадиган урф-одатлар билан белгиланар, эркаклар онгида эса аёллар ҳақида қотиб қолган доғмалар, тасаввурлар устувор эди. Ислохотларнинг дастлабки давриданок аёлларни озод қилиш вазифаси қўйилди.

Аммо Туркия ва Эрондан фарқли равишда, Ўзбекистонда бу масаланинг шошилинич ҳал қилиниши кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. 1917 йилги Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг аёллар масаласига оид бир қатор: аёлларнинг эркаклар билан тенглиги, балоғот ёшига етмаган қизларни турмушга беришни тақиқлаш тўғрисида ва шу қаби қонун ҳамда қарорлар қабул қилинди, булар, сўзсиз инқилобий қарорлар эди. 1920 йилларда ташкил қилинган хотин-қизлар бўлимлари фаол тушунтириш ишларини олиб борди. Махсус аёллар клублари, артеллар, магазинлар ташкил қилинди, аёллар саводхонликка, турли-туман хунаргаўргатилди. Бу ишлар, асосан, тушунтириш, ишонтириш орқали, зўравонликларсиз амалга оширилиб, жамиятда катта қаршиликларга учрамади.

Аммо анъаналар ва урф-одатларни ҳисобга олиб ўтказилган бу тадбирларнинг суръати большевиклар ҳокимиятини қаноатлантирмади. Мазкур жараённи сунъий равишда тезлаштириш учун 1927 йил “Хужум” деб ном олган ҳаракат бошланди. Большевиклар психологик ва диний омил ҳамда хотин-қизларни тўлиқ озод қилиш учун ижтимоий муҳит етилмаганлигини инобатга олмадилар. “Хужум” кампанияси давомида зўрлик йўли билан 100 минглаб хотин-қизлар паранжиларини ташлади. Аммо ўзбек аёлларини жадал озод

килиш сиёсати фожиаи оқибатларга олиб келди. 1927-1928 йиллари Ўзбекистонда 2,5 минг фаол аёллар, хотин-қизлар клублари раҳбарлари, кутубхоначилар, ўқитувчи аёллар ўлдирилди [5].

Бу йиллари Ўзбекистонда маданият ривожланиши зиддиятчи характерга эга эди. Бир томондан, аҳолининг саводчилиқ даражасини ошириш, фундаментал фаннинг энг муҳим соҳаларини ривожлантириш, илмий-техник кадрларни тайёрлаш объектив зарурат бўлса, бошқа томондан, совет ҳокимияти жамиятда ўзининг мафкуравий таъсирини кучайтириш ва бунда адабиёт, санъат ҳамда ижтимоий фанлар имкониятидан фойдаланишни биринчи даражали вазифа қилиб белгилади. Зиддиятлар, айниқса, анъаналар ва модернизация ўртасидаги муносабатда яққол кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон аҳолисини модернизацияга жалб қилиш бўйича советлар олиб борган сиёсат Туркия ва Эрондаги шундай сиёсатга ўхшаб кетади. Аммо фарқи шундаки, совет давлати ўз сиёсатини маъмур коммунистик жамиятни қуриш мақсадида олиб борди ва шу сабабли большевиклар ўзбек халқини ҳимоя қилиш, сақлаб қолишга интиланган миллий анъаналари, маънавий оламига тажовузкор тарзда кириб борди. Советларнинг модернизация сиёсати Туркия ва Эрондаги шундай жараёнлар билан ҳамоҳанг эди. Аммо 1920-1930 йилларда советлар жорий қилган ҳаёт тарзининг ўзбеклар учун мутлақо бегоналиги Ўзбекистонда унга қарши кучли қуролли ҳаракатларга олиб келди. Туркия ва Эронда эса бундай ҳаракат анча суст эди. Бунинг бошқа бир сабаби шундаки, агар Туркия ва Эронда модернизация жараёнлари бунга эҳтиёжни ҳис қилган Мустофо Камол Отатурк, шоҳ Ризо Паҳлавий каби миллий лидерлар ва уларга эргашган зиёлилар томонидан миллий шиорлар остида ўтказилган бўлса, Ўзбекистондаги бу жараёнларнинг мақсад ва вазифалари большевиклар партияси томонидан белгиланди, раҳбарлик ҳам Москвадан амалга оширилди, шу сабабли миллатимизнинг орзу-интилишлари ва иродасини тўлиқ акс эттирмади.

Туркияда модернизациялашнинг асосий тамойиллари Туркия Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ўз аксини топди. Кейинчалик 1931 йили Туркияда ҳукумрон Халқ-республикачилари партиясининг III конгрессида олти та мустақил тамойил ишлаб чиқилди. Булар республикачилик, миллатчилик, халқчиллик, этатистик (давлатпарастлик), дунёвийлик ва инқилобчилик принциплари бўлиб, улар ҳукумрон Халқ-республикачилар партияси фаолиятининг асоси, деб эълон қилинди [4]. Бу тамойиллар ичида асосийси - миллатчилик бўлиб, бу ҳодиса Европа тарихида ҳам миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиши ёки тикланиши билан боғлиқ оғир даврларда миллатни бирлаштирувчи муҳим омиллардан бирига айланган эди. Европада фақат Биринчи жаҳон урушидан кейингина миллатчилик ўзининг прогрессив имкониятлари ва демократик асосини йўқотиб, реакцион ҳодисага айланди. Туркияда ҳам давлатни тузиш жараёнида миллатнинг руҳини кўтариш, ўз имкониятларига ишончни уйғотиш учун миллатчилик прогрессив аҳамиятга эга бўлди. М.К. Отатуркнинг «Мен туркман! дейиш нақадар бахтдир!» (Ne mutlu Turkum diyene!) деган сўзлари турк миллатини бирлаштирувчи шиорга айланди [6].

Ўзбекистонда эса большевиклар модернизация жараёнининг асосий принципларидан бири сифатида байналмилалчиликни оладилар. Маданий инқилоб даврида большевикларнинг сиёсий қуролига айланган бу принцип Ўзбекистонда миллатпарвар зиёлилар ва раҳбарларни миллатчиликда айблаб, қатоғон қилиш учун асос бўлди. Модернизация жараёни эса оммавий руслаштиришга айланиб кетди. Шу сабабли асли моҳиятига кўра ижобий бўлган маданий инқилоб Ўзбекистонда миллий анъаналарга, айниқса, шаклланиб келаётган миллий ғурурга катта зарар етказди.

Эронда шоҳ Ризо Паҳлавий ватанпарварлик ғоясига катта эътибор қаратди. Ислохотлар шу ғоя доирасида амалга оширилди. Жумладан, форс тили ислоҳ қилиниб, ундаги турк ва араб тилларидан кириб келган сўзлар муомаладан чиқарилди. Мамлакатда эронлаштириш сиёсати олиб борилиб, эрон миллатининг бирлиги фаол тарғиб қилинди.

4. Хулоса:

Шундай қилиб, 1920-1930 йиллари Туркия, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган модернизация жараёнлари ўз олдида қўйган мақсадларига кўра бир-бирига яқин эди. Улар

ўхшаш принципларга таянди, ўхшаш муаммоларни ҳал қилди, аммо жараёнларнинг асосий ғоясига кўра, бир-биридан фарқ қиларди. Модернизация Туркияда-миллатчилик, Эронда-ватанпарварлик, Ўзбекистонда-коммунистик ғоялар асосида амалга оширилди ва шу ғояларга мос натижаларни юзага келтирди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Мунчаев Ш.М, Валяев М.М. и др. Из истории мировой цивилизации. -М., 1993. - С. 12 - 13. (Munchaev Sh.M., Valyaev M.M. and others. From the history of world civilization. -M., 1993.- p.12-13.)
2. Р.И.Измайлов. Камелизм и модернизационные процессы в Турции в 20 -30-е годы XX века. (R.I. Izmailov. Camelism and modernization processes in Turkey in the 1920-1930s.) http://www.idmedina.ru/books/materials/turkology/1/turk_izmailov.htm
3. Эргашев.Ш. Жаҳон тарихи (Янги давр. 1-қ. XVI -XVIII асрлар) -Тошкент:О‘zbekiston, 2016. 431-бет. (Ergashev.Sh. World History (New Age. 1st ed. XVI-XVIII centuries) - Tashkent: Uzbekistan, 2016., p.431)
4. Трифонов Е. От восхода до заката: кемалистский век Турции. (Trifonov E. From sunrise to sunset: the Kemalist age of Turkey) <http://www.historicus.ru/kemalizm/>
5. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. 1. -Ташкент: Узбекистан, 2008. - С. 259. (Alimova D.A. History as history, history as science. T.1.-Tashkent: Uzbekistan, 2008. - p. 259.)
6. Реформы Мустафы Кемал Ататюрка. (Reforms of Mustafa Kemal Atatürk) <http://xn--80adagcf7ag2aab7an2p.xn--p1ai/RefAta.html>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000